

## PISA ХАЛҚАРО БАХОЛАШ ТАДҚИҚОТИ “РАҚАМЛИ ДУНЁДА ЎРГАНИШ” КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11246279>

**Мирзаев Акрамжон Ўктамжонович**

*Андижон давлат университети доценти в.б.,*

*Андижон давлат университети,*

**Акрамжонов Шохаббос Дилшодбек ўғли**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти стажёр-*

*ўқитувчиси*

*Андижон, Ўзбекистон*

### **Аннотация**

Мақолада пандемия даврида юзага келган таълимдаги муаммолар ечимларининг таҳлили, рақамли дунёда ўрганишнинг аҳамиятида рақамли технологияларни ўрни ва рақамли технологияларни дарс машғулотларида қўлланилишини муҳимлиги келтирилган. Рақамли технологияларнинг дарс машғулотларда фойдаланишида бир нечта олимларнинг тажрибалари ўрганилган.

### **Аннотация**

В статье анализируются решения проблем образования, возникших в период пандемии, роль цифровых технологий в важности обучения в цифровом мире и важность использования цифровых технологий на уроках. Изучен опыт нескольких ученых по использованию цифровых технологий на уроках.

### **Annotation**

The article analyzes the solutions to the problems of education that arose during the pandemic, the role of digital technologies in the importance of learning in the digital world and the importance of the use of digital technologies in the classroom. The experiences of several scientists in the use of digital technologies in the classroom have been studied.

### **Таянч сўзлар**

Халқаро боҳолаш, рақамли дунё, рақамли технология, масофавий таълим, рақамли платформа, онлайн-электрон таълим, аралаш таълим.

### **Ключевые слова**

Международная оценка, цифровой мир, цифровые технологии, дистанционное обучение, цифровая платформа, онлайн-обучение, смешанное образование.

### **Keywords**

International assessment, digital world, digital technology, distance learning, digital platform, online e-learning, mixed education.

Кириш. Дунё бўйлаб кенг тарқалган корона вирус натижасида пандемиянинг вужудга келиш даврида масофавий таълимнинг амалга ошириш ишлари жадаллаштирди. Масалан, коронавирус илк бора қайд этилган Хитойда 17 феврал куни ўқувчилар учун bepул ўқув материаллари билан таъминлайдиган «Миллий булутли платформа» ишга туширилди. 7000 та сервер ва 90 терабайт ҳажмдаги маълумотларни ўтказиш қобилиятига эга платформа 50 миллион ўқувчига бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Францияда «Менинг синфим уйда» рақамли платформаси яратилди. Бунда компьютер, планшет ёки мобил телефонидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар тўрт ҳафталик масофавий курсларда таълим олиш ҳамда ўзлаштиришига оид шахсий маълумотларини тўшлаб бориш имконияти яратилди. Бошқа мамлакатларда ҳам оддий, бироқ ижодкорона ечимлар амалга оширилди. Нигерия мактабларидан бирида онлайн таълимнинг асинхрон инструментлари синхрон видео кўрсатмалар билан тўлдирилди. Ливандаги мактаб ўқувчилари ҳатто жисмоний тарбия каби фанларда ҳам онлайн таълимни қўллаш бошлади. Ўқувчилар жисмоний машқ бажариш жараёнини уй вазифаси сифатида видеога олишди ва ўқитувчиларига юборишди.[1] Пандемия таъсирида Ўзбекистонда ҳам 16 мартдан бошлаб барча турдаги давлат ва нодавлат таълим муассасалари ёпилди. 30 мартдан бошлаб 3та телеканал орқали 6 миллиондан ортиқ ўқувчи учун онлайн дарсларни 3та тилда (ўзбек, рус ва қорақалпоқ) эфирга узатиш йўлга қўйилди. Теледарсларни тасвирга олишда имконияти чекланган, яъни қар ва заиф эшитувчи болаларга ҳам тушунарли бўлиши учун сурдопедагог ҳамда сурдотаржимонлар томонидан синхрон таржима қилинди.[2]

Асосий қисм. Масофавий таълим, онлайн-электрон таълим, аралаш таълим ўқувчиларга таълим беришда ва улар таълим олишлари қулайлик яратади, ўқитувчиларнинг замонавий технологияларни таълим бериш фаолиятида қўллаш кўникмалари ривожланади, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш, мустақил ишлаш олиш ва технологиялардан оқилона фойдалана олиш кўникмалари ва қобилиятлари ривожланади.

Рақамли технологиялар ўқувчиларга ўрганиш ва ижодий ёндашиш, мулоқот этикаси ва эркин фикрларини бериш имкониятларини яратади. Ўқувчиларга рақамли дунёда ўрганиш аудиториядан ташқари вақтларда ҳам билим олиш имконини беради, ўзинини эркин тутади, тенгдошлари билан эркин мулоқот қилади, ўқитувчиларга ўз фикрларини эркин намоён эта олади ва тенгдошлари орасида танқидлар ва тортишувлардан узоқ бўлади. Рақамли

дунёда ўраганиш ўқувчиларнинг вақт ўлчови билан чегараланган жадвалли дарслардан ва жисмоний ҳолатидан, шу маънода ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олишига кенг имкониятлар яратади. Ўқувчиларни рақамли дунёда ўрганиш маданияти, рақамли этикани амалга ошириш жуда муҳим масала. Бу масаланинг ечимида давлат, ўқитувчилар ва оналарнинг ўзаро бирлашиб иш олиб бориши керак.

Рақамли технологияларнинг мактаб таълимига таъсири борасида дунё олимларининг фикрлари ҳам турлича. Михайл Сайер ва бошқалар “рақамли технологиялар ёрдамида ўқувчиларнинг ўрганиш усуллари текшириш учун уларнинг конгитив фаоллигининг турли даражаларини ажратиш турадиган тизимли ёндашувни таклиф этган”. [3]

Рақамли технологиялар ва педагогик технологиялар ёрдамида тил ўргатиш ва ўрганишни амалга ошириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Моисес Селфа-Састре ва бошқалар рақамли технологиялар ёрдамида тил ўргатиш ва ўрганишда ижодкорликни рағбатлантириш борасида тадқиқот ўтказишган. [4] Рақамли технологиялар ёрдамида тил ўрганиш қулайлигини тавсифлаб беришган.

Назирул Ислам Саркер ва бошқалар рақамли технологияларнинг таълимга тасирини 3 та қисмга ажратадилар: технологияга асосланган таълим ёндашувлари, интеграциялашган таълим технологиясининг ёндашуви ва технологияга йўналтирилган етказиб бериш усули. [5]

Рақамли технологиялар ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришини яхши томонга ўзгартирадими ёки ўзгартирмайдими? Деган саволга Кери Файсер ва Неил Селвин қуйидагича жавоб беришади. Рақамли технологиялар ўрганишни яхшиламайди деб таъкидлайди. Уларнинг фикрича пандемия даврида даромати паст ва ўрта даражалан паст дароматли мамлакатларнинг атиги 12 фоиз оилаларда интернет тармоғига уланган техникалар мавжуд. Бу эса пандемия даврида 88 фоиз оиланинг фарзандлари таълим олишга қийналишган. Юқори дароматли кўплаб мамлакатлар ҳам пандемия даврида мактабларнинг қайта-қайта тўхталишини олиш учун рақамли бўлмаган қўшимча ёндашувга таянишга мажбур бўлишди, яъни аҳолининг масофавий таълимга кириши учун ўқув материалларини телевизион кўрсатувларда бериб боришди. Бу хатто энг яхши ресурсларга эга мамлакатларда ҳам рақамли тафовут давом этаётганлигини акс эттиради. [6]

Хулоса. PISA халқоро баҳолаш тадқиқотининг 2025 йилда ўтказиладиган дастурида “рақамли дунёда ўрганиш- learning in the digital world” концепциясида мамлакатимизнинг қатнашувчи давлатлар орасида юқори

ўринларидан жой эгаллаши учун ҳамма бирдек ҳаракатларни амалга ошириш зарур. Бу ҳаракатларни амалга оширишда аввало давлатимизнинг таълимга рақамли технологияларни янада кўпроқ таъминлаши, ўқувчиларимизни рақамли технологиялар билан ишлай олиш компетенциялари ривожлантиришимиз, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини рақамли муҳитда ишлай олиш қобилиятларини ривожлантиришимиз керак.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Акрамжон О'ктамжонович Мирзайев, Одина Давронбек Қизи Позилова. Математика фанини о'қитиш самардорлигини оширишда TIMSS халқаро тадқиқотининг о'рни. Scientific Progress. Volume 3 | ISSUE 4 | 2022. P 77.
2. Акрамжон О'ктамжонович Мирзайев. Мамлакатимиз та'лим тизимида рақамлаштириш ва рақамли дунёда о'қитиш ва о'рганашнинг мавжуд имкониятлари. Academic Research in Educational Sciences. VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021
3. Акрамжон О'ктамжонович Мирзайев. О'қувчиларнинг рақамли дунёда о'рганаш концепсияси бо'йича саводхонлигини ривожлантириш. Scientific Progress. Volume 2. ISSUE 8 | 2021. P.832
4. Акрамжон О'ктамжонович Мирзайев, Озодaxon Икромали Қизи Тосҳтемирова. Бoшланг'ич синфларда ески ва янги дарсликлари қийосий таҳлили. Scientific progress. VOLUME 3 | ISSUE 4 | 2022. P. 1053-1057.
5. Акрамжон О'ктамжонович Мирзайев, Одина Давронбек Қизи Позилова. Бoшланг'ич синф о'қувчиларнинг о'қиш саводхонлигини оширишда пирл тадқиқотининг аҳамияти. . Scientific Progress. Volume 3 . ISSUE 3 | 2022. ISSN:2181-1601. P.140
6. Мирзаев Акрамжон Ўқтамжонович. Ўқувчиларнинг рақамли кўникмаларини ривожлантириш. Journl of ethics and governance. Volume: 02 Issue: 08 | August – 2022
7. Акрамжон о'ктамжонович Мирзайев. Nigora Oripova. Бoшланг'ич синф математика дарсларида о'қувчиларнинг мантиқий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш. Central asian academic journal of scientific research. VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2022.